



МЕҲНАТ МУХОЖИРИГА
ЁРДАМ УЧУН ЭСЛАТМА

**Қўлга олинганда
ўзини тутиш тактикаси
ва умумий тавсиялар**

Чегарадан ўтиш пайтида паспорт назорати ходимлари ёки Сиз ўзингиз Мухожир картасини мустақил тўлдирасиз.



МУҲИМ: паспорт маълумотлари (Исм-шарифингиз) ва «Келишдан мақсад» — **Иш бўлинмасини тўғри тўлдиринг.**

РФ ҳудудига келгандан бошлаб фактик туриш жойингизда рўйхатдан ўтиш учун 7 (етти) сутка вақтингиз бор.

Рўйхатдан ўтганингиз фактини «Келгани ҳақида хабарнома» (Рўйхатдан ўтиш)нинг йиртма қисми билан тасдиқланади.

МАСЛАҲАТ БЕРАМИИЗки, доимо ёнингизда қуйидаги ҳужжатлар бўлсин:

- a. Хориж фуқаросининг паспорти (асл нусха)
- b. Мухожир картаси
- c. «Келгани ҳақида хабарнома» (Рўйхатдан ўтиш)нинг йиртма қисми



ТАҚИҚЛАНАДИ: юқорида қайд этилган ҳужжатларсиз жамоат жойларида бўлиш, чунки улардан биронтасининг мавжуд эмаслиги ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари томонидан маъмурий қўлга олинишингизга, Сизга нисбатан маъмурий баённома тузиш (жарима солиниши ва ҳ.)га олиб келади.

3

Ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари томонидан ҳужжатлар текшируви амалга оширилганда Сиз ўз ихтиёрингиз билан текширувчига ёнингизда бўлган барча ҳужжатларни тақдим қилишга мажбурсиз.

Ҳужжатларингиз текширувидан кейин ходим кейинги текширив учун у билан полиция бўлинмасига боришингизни талаб қилса, қаршилик кўрсатмай,

унинг қонуний талабига бўйсунингизни
МАСЛАҲАТ БЕРАМИЗ.

Мурожаат қилишда полиция ходими қуйидагиларни бажариши шарт:

- ўз унвони, лавозими, фамилиясини айтиши
- гувоҳномасини тақдим қилиши
- ҳужжатларни текширишининг сабаби ва мақсадини тушунтириб бериши («Полиция ҳақида» қонуннинг 5-модда 4-банди).
Ҳужжатларни, бу ҳақда огоҳлантириб, ўз қўлингизда ушлаганча, кўрсатишингиз мумкин.

Агар полиция ходими ўзини таништирмаса, текширув сабабларини айтмаса, унинг устидан шикоят қилиш мумкин. Бунинг учун унинг кўкрак белгисини эслаб қолиш ёки ёзиб олиш керак.

Полиция ходимида ҳужжатларнинг асл экани шубҳа туғдириши мумкин. Бундай ҳолатда махсус база ёрдамида уларнинг асл эканини аниқлаш учун энг яқин полиция пунктига бориш зарур бўлади.



Қаерда эканингиз ҳамда ким билан гаплашаётганингиз ҳақида қариндошларингиз ва дўстларингизга қўнғироқ қилиб, хабар беринг. Бу жуда муҳим ва сизнинг хавфсизлигингизни оширади!



ЁДДА ТУТИНГКИ, ҳужжатларни полиция бўлинмасида қўшимча текшириш 3 соатдан ортмаслиги керак. Хотиржамликни сақланг ҳамда Ассоциация ходими, иш берувчининг вакили ёки Адвокат келгунга қадар ҳеч қандай ҳужжатларга имзо чекманг ва оғзаки тушунтириш берманг.

5

Полиция участкасига келгач, Сиз ҳеч қандай оғзаки ва ёзма изоҳ ё тушунтириш бермаслик ҳуқуқига эгасиз, шунингдек, қуйидаги ҳуқуқларга ҳам эгасиз:

- a. Полиция ходимидан малакали таржимон хизматини тақдим қилишни талаб қилиш
- b. **+7 (495) 150 6010** телефон орқали хабар бериш, Меҳнат мухожирларига ҳуқуқий кўмак кўрсатиш Ассоциациясини, шунингдек, Сизни олиб боришган ёки олиб боришмоқчи бўлишган полиция бўлинмаси манзилени хабар қилиш,

- с. Сизни полиция бўлинмасига олиб келган ходимдан вақтни ва санани қайд этиш журналида белгилаб қўйишни



Террорчилик ҳаракатлари хавфи туфайли, метро ёки вокзалга кириш жойларида полиция ходимлари Сиздан рамка орқали ўтишингизни ёки юкингизни махсус детектор воситасида ўтказишингизни сўрашлари мумкин.

Бу ҳаракатлари қонунийдир!

Фойдали алоқалар

РФДАГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЭЛЧИХОНАСИ

119017, Москва, Погорельский пер., 12

Телефон: +7 (920) 513 4720

E-mail: info@uzembassy.ru

ЎЗБЕКИСТОННИНГ БОШ КОНСУЛЛИГИ

119017, Москва, 2-й Казачий пер., 2 уй

Телефон: +7 (499) 230 0032, +7 (499) 230 1301

E-mail: uzkorus@mail.ru

МЕҲНАТ МУХОЖИРЛАРИГА ҲУҚУҚИЙ КЎМАК КЎРСАТИШ БЎЙИЧА АССОЦИАЦИЯ

121170, Москва, Кутузовский просп., 36/3
подъезд 5, офис 427

Телефон.: +7 (495) 150 6010

E-mail: info@migranthelp.ru



2017